



“ТАСДИКЛАЙМАН”
Навоий вилояти статистика
бошқармаси бошчиги в.в.б
А.Ташназаров
“20.08.2021 йил

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими

НИЗОМИ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур низом Навоий вилояти статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлиммининг (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) макоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукук ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон карорига мувофиқ қайта ташкил этилган ва Навоий вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошкарма деб аталади) таркибий бўлинмаси хисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни ва бошка қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамаси карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг топширикларига, “Навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошка қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўйича фаолиятини бошқарманинг тармок ҳамда шахар ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.
Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Кўйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

а) Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ҳамда шахар ва туман статистика бўлимлари билан давлат статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солни соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурига кўра статистик маълумотларни йиғиш, таҳлил килиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш бўйича ишларни ташкил килиш ва мувофиқлаштириш;

шахар ва туман статистика бўлимлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш юзасидан бошқарманинг тармок ҳамда шахар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

гадиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш бўйича бошқарманинг тармок ҳамда шахар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини назорат килиш ва мувофиқлаштириш;

давлат статистика тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни ўзгиши, қайта ишлаш, тўнлаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳтил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилиши мониторингини таъминлаш;

Вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожланиши бўйича ҳудудлар ва иктисиёт тармоклари кесимидағи йиғма статистик ва иктисиёт-аналитик кўрсаткичларни тегишли тармок бўлимлари билан биргаликда тайёрлайди ва чиқаради;

статистик кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини ва холислигини таъминлаш, уларнинг кулайлиги, ошкоралиги ва очикигини кенгайтириш бўйича чоратадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

Давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистик ахборотномалар, тўпламлар ва нашрларни тайёрлайди ҳамда чоп этади;

• 6) статистика кўрсаткичларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаши бўйича мониторинг юритни соҳасида:

статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, яхлитлиги ва тизимлилиги юзасидан мониторинг юритиш;

шахар ва туман статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик асосида барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонунчилик талабларини бажарилишини назорат қилишни амалга оширилиши юзасидан мониторинг юритиш;

вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишларнинг бажарилишини таъминланиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

шахар ва туман статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик хужжатларига ҳамда Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармасининг карор ва топширикларига риоя этилишини назорат қилиш;

ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги туман, шахар статистика бўлимларидан олинган бирламчи статистика ахборотларини ва маълумотлар базаси сифатини тизимли назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибига риоя этилиши юзасидан ишларнинг ташкил этилиши, давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунчилик хужжатлари асосида қўлланиладиган чоралар бўйича ишларнинг юритилиши юзасидан фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

2) Давлат органлари, юридик шахслар, аҳолини белгиланган тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаши соҳасида:

маҳаллий ҳокимият, давлат идоралари ва фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очик-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлайди;

миллий иктисиёт тармоклари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини, ислоҳотларни чукурлаштириш ва иктисиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жихозлаш, хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш, вилоят ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлик акс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга оширади;

вилоятнинг иктисиёт ривожланиш ҳолати, иктисиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган карорларнинг амалга оширилиши ҳолати

тўғрисидаги йиллик ва чораклик статистик ва тахлилий материалларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усуулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида ахолини хабардор килиш чораларини кўради;

шартнома асосида, конун хужжатларида белгиланган тартибда статистик, тахлилий, ахборот, ноширилик хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташкари бошка хизматларни кўрсатади;

ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини фойдаланувчиларга сўров асосида тақдим этади.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, хакконийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил килди ва мувофикаштиради;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини назорат килди ва унинг натижалари бўйича бошкарма раҳбариятига ҳар ой маълумот тақдим этади;

Бошкарманинг тармок ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан давлат статистика хисботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги конунчилик хужжатларига асосан қўлланилаётган чоралар юзасидан назорат олиб боради, бу борадаги фаолиятни мувофикаштиради, ҳар ой натижалари бўйича қўлланилган чоралар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва белгиланган тартибда давлат статистика кўмитаси ва вилоят статистика бошкармаси раҳбариятига тақдим этиб боради;

ўз ваколати доирасида бўлим ойлик, чораклик ва йиллик ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижалари бўйича статистик маълумотларни тайёрлашни таъминлайди, шунингдек фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик, тахлилий ва ташкилий ишларни бошкарманинг тармок бўлимлари томонидан ўз вактида ва сифатли бажарилишини назорат килди;

Вилоят статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини амалга ошириш бўйича ишларда иштирок этади;

йиғма статистик маълумотларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган жадваллар макети асосида белгиланган тартибда бошкарманинг тармок ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан маълумотлар йигиб олади;

иктисодиёт тармоклари ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденциялари сабаблари ва омилларини тавсифловчи тахлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

давлат органлари учун ахборот ва статистик маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

ахборотномалар, статистик тўпламлар ва маълумотларни чоп этиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофикаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг, бўлим ваколати доирасида, тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур холларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошка функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хукукларга эга:

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

йиғма маълумотларни тайёрлаш, нашр килиш ва тарқатиш самарадорлигини ошириш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурига асосан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ўз вактида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

йиғма ахборотларни тайёрлаш, нашр килиш ва тарқатиш соҳасида норматив-хуқукий базани янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича ишлар олиб бориш;

ўз ваколати доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик маълумотларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан бошқарманинг тармоқ бўлимлари билан йўрикнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларида статистика фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан белгиланган тартибда Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг Бўлим фаолиятига оид бўлган масалалар бўйича хатлари ва сўровларини кўриб чикиш ва уларга жавоб тайёрлаш.

9. Бўлим куйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни юкори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор ҳалқаро амалиётда қўлланилаётган ҳамда фойдаланилаётган усулларни доимий равишда тақомиллаштириш;

бўлимга киритилган хужжатлар лойиҳалари, таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чикиш;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси карорлари ва бошқа хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишлари, Ҳукумат карорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топширикларининг ўз вактида ва сифатли бажарилиши, хисобот ва ижро интизомини таъминлаш;

бўлимга келиб тушган ва чикаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя килиниши ва сакланишини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлим тузилмаси ўз ичига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар киради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик килади.

12. Бўлим бошлиғи ва бўлим мутахассислари Навоий вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади.

13. Бўлим йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўйича куйидагиларни амалга оширади:

Навоий вилояти бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоклари кесимидағи йиғма статистик ахборотларни тегишли тармок бўлимлари билан биргаликда тайёрлаш;

йиғма статистик кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш ва тарқатиш;

давлат хокимияти ва бошкарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фукаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар билан таъминлаш;

йиғма статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш ишларини такомиллаштириш бўйича ишларни мувофикаштириш;

бошкарманинг тармок хамда шахар ва туман статистика бўлимларига йиғма статистик маълумотлар ва асосий кўрсаткичларни шакллантириш учун макетларини тайёрлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва бошкарма раҳбарияти топшириғига мувофик, статистик ахборот ва статистик жадвалларларни шакллантириш;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни хам бажаради.

14. Ахборот-таҳлилий ишларни мувофикаштириш ва ахборотномаларни тайёрлаш бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига асосан тегишли тармок бўлимлари билан биргаликда статистик ахборотномаларни ўз вактида ва сифатли чоп этилишини таъминлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва бошкарма раҳбарияти топшириғига мувофик, ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш бўйича бошкарманинг тармок хамда шахар ва туман статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Вилоят статистика бошкармаси эҳтиёжи учун статистик бюллетенлар, тўпламлар ва бошқа хужжатларни кўпайтириш ишларини ташкил килиш;

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиши

15. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги конуни, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чикиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, бошкарма низоми ва мазкур Низомга, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруклари ва топширикларига мувофик, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошкарманинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Юқатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чикиш дастурини ва Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошкармаси раҳбарияти топширикларини электрон хужжат айланиши тизимида ўз вактида бажарилишини назорат килиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида ойлик хисобот тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси вилоят статистика бошкармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошкарма иш режалари асосида шакллантирилади ва бошкарма бошлиғининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан юкланган вазифалардан келиб чиккан холда тайёрланади ва бошкарма бошлиғининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.